

## **Аҳоли репродуктив саломатлик худудий маркази НИЗОМИ**

### **I. Умумий қондалар**

1. Мазкур Низом аҳоли репродуктив саломатлик худудий марказининг фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштириш тартибини белгилайди.

2. аҳоли репродуктив саломатлик худудий маркази (келгуси матнларда Марказ) репродуктив саломатлик, оилада тиббий маданиятни ошириш ва соғлом авлодни тарбиялаш масалаларида услубий ва тарғибот–тушунтириш фаолиятини олиб борувчи мустақил тиббий муассаса ҳисобланади.

3. Марказ мустақил хўжалик юритувчи субъект бўлиб, юридик шахс ҳуқуқига эга ва ўз ички тизими ҳамда фаолиятини мустақил белгилайди. У ўз тиббий ва хўжалик биналарига, тиббий асбоб-ускуналари ва хўжалик мулкига эга бўлиб, ўз номидан шартномалар тузиш, маблағларини ўзи мустақил сарфлаш ҳуқуқига эга ва жавобгарликни ўз зиммасига олади. Шунингдек, судларда даъвогар ва жавобгар бўла олади.

4. Марказ мустақил балансига эга бўлиб, қонунчиликда белгиланган тартибда банкларда ҳисоб рақамлари ва бошқа валюта рақамлари очиш, Ўзбекистон Республикаси герби акс эттирилган думалоқ муҳрга, давлат тилида номи ёзилган штамплар ва бланкларга ҳамда ўз рамзига эга.

5. Марказ репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш бўйича ўқув-услубий ва даволаш-профилактика муассасаси ҳисобланади.

6. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

7. Марказ худудий соғлиқни сақлаш бошқарув органига бўйсунди.

### **II. Марказнинг мақсади ва вазифалари**

8. Марказнинг асосий мақсади:

– худуддаги даволаш-профилактика муассасаларида репродуктив саломатлик масалалари бўйича замонавий усул ва технологиялардан фойдаланган ҳолда маслаҳат ва тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш;

– аҳолига репродуктив саломатлик масалалари бўйича малакали тиббий ёрдам ва маслаҳатларни ташкил этиш;

– репродуктив саломатлик бўйича муаммоларни бартараф этиш юзасидан аҳоли ўртасида тарғибот-тушунтириш ишларини ташкил этиш ва ўтказиш;

– соғлиқни сақлаш тизимининг барча бўғинларида контрацептив воситаларнинг таъминот-логистика тизимини амалиётга татбиқ этиш;

– аҳолининг репродуктив саломатлиги бўйича худудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишда иштирок этиш.

9. Марказнинг асосий вазифалари:

– худудий даволаш-профилактика муассасаларига аҳолининг жумладан, болалар ва ўсмирларнинг репродуктив саломатлиги масалалари бўйича ташкилий-услубий, амалий ва ўқув-услубий ёрдамни ташкил этиш;

– мунтазам равишда даволаш-профилактика муассасаларида фаолият кўрсатаётган врачлар ва ўрта тиббиёт ходимларини репродуктив саломатлик муҳофазаси ва контрацепция масалалари бўйича ўқитиш;

– бирламчи тиббиёт муассасаларида контрацептив воситаларни индивидуал танлаш йўли билан таъминлаш, абортлар профилактикаси, ҳавфсиз абортларни ўтказиш бўйича малакали хизмат кўрсатиш;

– ўсмирларга дўстона муносабат хизматларини амалиётга тадбиқ этиш орқали жинсий ва репродуктив саломатлик бўйича маслаҳат ҳамда малакали ихтисослашган тиббий хизматларни кўрсатиш, эрта ҳомиладорлик ва абортларни олдини олиш, ЖЙОЮК ва ОИВ-профилактикаси.

– туман (шаҳар) лардан репродуктив саломатлик индикаторлари бўйича маълумотларини йиғиш ва таҳлил қилиш;

– худуддаги аҳолининг замонавий контрацептив воситаларга бўлган эҳтиёжини ва истиқболларини аниқлаш;

– репродуктив саломатликни муҳофаза қилишнинг долзарб йўналишлари бўйича ушбу соҳадаги тиббий хизматларни таъминловчи ходимлар учун ўқув курслари, семинарлар ва маърузалар ташкил этиш;

– аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилишнинг долзарб масалалари бўйича илмий-амалий анжуманларда иштирок этиш;

– репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш мақсадида семинарлар, учрашувлар ва йиғилишлар ўтказиш йўли билан худуд аҳолисининг тиббий саводхонлигини ошириш;

– репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш бўйича худуддаги аҳолининг турли қатламлари учун информацион материаллар тайёрлаш ва тарқатиш;

– худуддаги репродуктив саломатликни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишларини амалга ошириш мақсадида жамоат, нодавлат ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ишларини олиб бориш.

### **III. МАРКАЗНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

10. Белгиланган мақсадларга эришиш ва юкланган вазифаларни бажариш учун марказ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– ўзининг устав фондига асосланиб, шартнома асосида берилган давлат мулкани бошқариш ва ундан фойдаланиш;

– мустақил равишда ўз бюджетини тузиш, унинг ҳажмини шакллантириш манбаларини ва ишлатиш йўллариини белгилаш;

– балансида бўлган асосий воситаларни ижарага олиш, кредитлар, займлар, грантлар ва бошқа молиявий маблағларни ўрнатилган тартибда жалб қилиш;

– бюджет маблағлари доирасида филиал ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш миқдорларини қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил равишда белгилаш;

– қонун ҳужжатларига, марказнинг мақсадлари ва фаолиятига зид бўлмаган бошқа турдаги фаолиятни амалга ошириш.

11. Марказ қуйидаги мажбуриятларга эга:

– марказ ходимларини республика клиникаларида мунтазам равишда малакасини ошириш;

– марказ ходимларига қонун ҳужжатларида назарда тутилган меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш, техника хавфсизлиги, ижтимоий таъминот ва муайян ижтимоий муҳофаза шартларини кафолатлаш;

– ўз маблағлари ҳисобидан марказнинг моддий-техника базасини замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари ва технологиялари билан мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

– мол-мулкдан белгиланган мақсадларда фойдаланиш, уларнинг сақланишини таъминлаш;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ва статистика ҳисобини ва ҳисоботни юритиш.

#### **IV. МАРКАЗНИНГ МОЛ-МУЛКИ**

12. Марказ фаолият мақсадларига мувофиқ ўз мол-мулкига эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади, шу билан бирга, бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлардан самарали фойдаланишни таъминлайди.

13. Марказ мол-мулкини қонун ҳужжатларда назарда тутилган тартибда баланسدан чиқариш ҳуқуқига эга.

#### **V. МАРКАЗНИНГ ТУЗИЛМАСИ ВА УНИ БОШҚАРИШ**

14. Марказ таркибига ташҳис-даволаш ва ўқув-услубий бўлимлари киради. Марказнинг намунавий тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади ва ўзгартирилади.

15. Марказга Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази билан келишилган ҳолда ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқарув органи бошлиғи томонидан тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган директор раҳбарлик қилади.

16. Марказ директори:

– ўз фаолиятини Марказ номидан амалга оширади, Марказнинг молия-хўжалик фаолиятига раҳбарлик қилади, Марказ номидан шартномалар тузади, марказ фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни ҳал этади;

– Марказнинг фаолияти юзасидан раҳбарликни амалга оширади;

– Марказ ходимлари ишини ўз ваколати доирасида ташкил этади ва бошқаради, марказ ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради, марказ ходимларини қонун ҳужжатларига мувофиқ ишга қабул қилади ва ишдан озод қилади;

– Марказ фаолияти учун жавоб беради.

17. Ташкилий-таҳлилий фаолият:

– Марказнинг иш режаси марказ директори томонидан йил бошида тузилади ва ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқарув органи раҳбари томонидан тасдиқланади;

– Марказ томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар чорақда ва

йил якунлари бўйича ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқарув органига ҳисоботлар тақдим этилади.

18. Ўқув-услубий фаолият:

– тасдиқланган режа асосида тиббиёт ходимлари учун репродуктив саломатлик масалалари бўйича ўқув курсларини ташкиллаштиради;

– туманлардаги даволаш-профилактика муассасаларига репродуктив саломатлик бўйича услубий ёрдам кўрсатади.

## **VI. МАРКАЗ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ**

19. Марказни молиялаштириш давлат бюджети маблағлари, бюджетдан ташқари ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган тартибда жалб этилган бошқа маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

20. Давлат маблағлари қуйидаги мақсадлар учун фойдаланилади:

– марказ фаолияти, консултатив ва ўқув фаолияти ҳаражатларини қоплаш учун;

– марказни замонавий тиббий ва зарур техник асбоб-ускуналари билан таъминлаш учун.

21. Марказ, ажратилган бюджет маблағлари ва ўз даромадлари доирасида мустақил равишда Марказнинг даромадлар ва ҳаражатлар сметасини ишлаб чиқади ва ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқарув органи билан келишилган ҳолда тасдиқлайди.

## **VII. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТЛАРНИ ЮРИТИШ**

22. Марказ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритади, уни тегишли органларга тақдим этади, ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг келишилган рўйхатга мувофиқ давлат томонидан сақланишига берилиши учун жавоб беради.

23. Марказнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш ва текшириш соғлиқни сақлаш, солиқ ва молия органлари, ўз ваколатлари доирасида бошқа давлат органлари, шунингдек, аудиторлик ташкилотлари томонидан, улар билан тузилган шартномалар асосида қонун ҳужжатларда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

## **VIII. МАРКАЗНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ**

24. Марказнинг фаолият муддати чекланмаган.

25. Марказни қайта ташкил этиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

26. Марказни тугатиш ёки қайта ташкил этишда марказ ходимларига уларнинг ҳуқуқлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кафолатланади.

27. Марказни қайта ташкил қилганда унинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва мол-мулки уни қабул қилган муассаса ихтиёрига ўтади.